




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



PHILOSOPHICAL ANTHROPOLOGICAL PERSPECTIVES IN RENAISSANCE WESTERN PHILOSOPHY

G. T. Kabulniyazova

*doctor of philosophy, professor
National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Anthropology, microcosm, cosmos, neoplatonism, emotional and mental knowledge, intellect, human spiritual freedom, free choice, will, freedom, creative activity, activity, heroism, genius.

Received: 28.10.24

Accepted: 30.10.24

Published: 01.11.24

Abstract: The article highlights the anthropological views that occupy a central place in the cultural and philosophical heritage of the period called the Renaissance. The famous philosophers of this period, Pico della Mirandola and Giordano Bruno, called man a microcosm and placed him at the center of the universe. Their characteristic neoplatonic worldview became the brightest teaching of the Renaissance. At the center of this doctrine was man, described as a spiritual being, in whose inner world the whole universe was reflected.

УЙГОНИШ ДАВРИ ҒАРБ ФАЛСАФАСИДА ФАЛСАФИЙ АНТРОПОЛОГИК ҚАРАШЛАР

Г. Т. Кабулиязова

*ф.ф.д., проф.
Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Антропология, микрокосмос, коинот, неоплатонизм, хиссий ва ақлий билиш, интеллект, инсон руҳий эркинлиги, эркин танлаш, ирода, эркинлик, ижодий фаолият, фаоллик, қаҳрамонлик, даҳолик.

Аннотация: Мақолада Уйғониш даври деб аталган давр маданияти ва фалсафий меросида марказий ўрин эгаллаган антропологик қарашлар ёритиб берилган. Бу даврнинг машҳур файласуфлари Пико dela Мирандола ва Жордано Брунолар инсонни микрокосмос деб аташган ва уни коинот марказига қўйишган. Уларга хос бўлган неоплатоник дунёқарааш Уйғониш даврининг энг ёркин таълимотига айланди. Бу таълимотнинг марказида руҳий

мавжудот сифатида таърифланган инсон жойлашди, унинг ички оламида бутун коинот акс этди.

ФИЛОСОФСКИЕ АНТРОПОЛОГИЧЕСКИЕ ПЕРСПЕКТИВЫ В ЗАПАДНОЙ ФИЛОСОФИИ ЭПОХИ ВОЗРОЖДЕНИЯ

Г. Т. Кабулниязова

доктор философии, профессор

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Антропология, микрокосм, космос, неоплатонизм, эмоционально-психическое познание, интеллект, духовная свобода человека, свободный выбор, воля, свобода, творческая деятельность, активность, героизм, гениальность.

Аннотация: В статье освещаются антропологические взгляды, занимающие центральное место в культурно-философском наследии периода, называемого Возрождением. Знаменитые философы этого периода Пико дела Мирандола и Джордано Бруно называли человека микрокосмом и помещали его в центр Вселенной. Их характерное неоплатоническое мировоззрение стало ярчайшим учением Возрождения. В центре этого учения находился человек, описываемый как духовное существо, во внутреннем мире которого отражалась вся Вселенная.

Ғарбий Европада Уйғониш даври деб аталган давр XIV-XV асрларни ўз ичига қамраб олгак ва Европа маданиятининг энг буюк даври деб ҳисобланади. Бу давр оламга Николай Кузанский, Мишел Монтен, Леонардо да Винчи, Жордано Бруно ва қўргина бошқа буюк мутафаккирлар ва даҳоларни берди.

Фалсафа тарихида Уйғониш даврининг, аҳамияти мавзусида машҳур рус тадқиқотчиси Александр Горфункель қуйидаги фикрларни баён этади. Унинг фикрича, Гегель ва Винделбанд бу даврни ўрта аср схоластик фалсафасидан Ғарбий Европанинг янги давр фалсафасига ўтиш даври деб ҳисоблайдилар ва фақат уйғонишга хос бўлган маҳсус ҳусусиятлар ва буюк қашфиётлар ҳақида батафсил тўхтаб ўтадилар. Машҳур инглиз файласуфи Б.Рассел эса Уйғониш даври фалсафасини ўрта аср метафизик натурфалсафаси деб ҳисоблайди ва натурфалсафасига хос бўлган фантастик дунёқарашиб элементларини танқид қилиб ўтади. Рассел фикрича, Спиноза, Лейбниц, Декарт таълимотидаги илмий қарашлар, янги давр фалсафасига асос солган аҳамиятга эга.

Горфункель Уйғониш даври фалсафаси Ғарбий Европада янги капиталистик ижтимоий-сиёсий тузумнинг бошланиш даври деб ҳисоблайди. Бу тузум ўтмишдаги феодал монархияларга каттиқ зарба берган янги иқтисодий муносабатларни юзага келтирган

маданият ва маърифатни антик давр маданиятига ўхшаш бўлган хусусиятларни юзага келтирган.

Уйғониш даврининг буюк географик астрономик, математик кашфиётлари бўй даврда саёҳатчилар томонидан янги ерларнинг очилиши фалсафий дунёкараш доирасини бениҳоя кенгайтирди. Натижада бу даврнинг файласуфлари энциклопедик билимларга эга бўлган олимларга айланишди. Бадиий адабиёт, санъат, хайкалтарошликтининг ривожланиши эса бадиий образли фикр юритишга биринчи даражали аҳамият берди.

Уйғониш даври фалсафасининг марказида инсон ва коинот масалалари ётади. Инсон коинотни ўз ичига жамлагани инсон-микрокосмос тушунчасида ифода этади. Уйғониш даври фалсафаси биринчи даражали аҳамиятни инсон масаласига қаратди ва бу масалани инсоннинг табиатда эгаллаган ўрни ва инсонни табиатга бўлган таъсири билан боғлади. Бундан ташқари, Уйғониш даврида астрономия, астрология ва магия ҳам ривож топди. Буни биз Николай Кузанский ва Жордано Бруно фалсафий қарашларида кўришимиз мумкин.

Уйғониш деб номланган давр ўрта асрларда унутилган антик фалсафий ва маданий меросни қайтадан юзага келтирди. Италия шаҳарларида неоплатоник, аристотелик ва платоник таълимотларни Пьер-Анджело Мандзолли, Марсилио Фичино, Пьетро Пампонацци, Жордано Бруно таълимотларида учратишими мумкин.

Уйғониш даври фалсафаси пантеистик тусга эга, яъни табиат рухлантирилади ва табиатда худо тажалли этади деб ҳисобланади. Бундай қараш табиатни илоҳий ва муқаддас кучга айлантиради.

Кузанский, Бруно, Мандзолли, Якоб Бёме таълимотларида пантеистик қарашлари билан бир қаторда астрология ва магия билимларига хос бўлган элементлар мавжуддир.

Уйғониш даври фалсафасининг машҳур вакилларидан бири Пикко делла Мирандолла инсон табиати ва унинг эркинлиги ҳақида фикр юритади. Пико юлдузларга қараб инсон келажагини айтиб берган астрологларга ишонмайди ва уларни танқид қиласди. Бунинг ўрнига у осмон жисмларининг ҳаракатини математик усуллар орқали ўрганишга даъват этади.

Пиконинг фикрича, инсоннинг ўзи ҳам бутун борлиқни қамраб оловчи микрокосмосидир. Пико инсонни иерархиянинг барча босқичларидан ҳоли деб ҳисоблайди. Коинотнинг зинопоясида инсоннинг аниқ эгаллаган ўрни йўқдир. Инсон бу ўринни ўзининг, ҳохиши ва иродасига биноан танлайди. Худо инсонга танлаш ҳуқукини берган ва инсон ўз баҳтининг эгасидир. Инсон коинотнинг марказида жойлашган ва у ўзидаги барча ижодкорлик кучларини ўзи вояга етказиш керакдир. Инсоннинг иерархиядаги ўрни, унинг руҳий эркинлиги билан ҳам боғлиқдир. Инсонга худо томонидан

комилликка эришиш қобилияти берилган ва у бу қобилиятни инсон ўзининг ҳар кунги ҳаётида ҳам, фаолиятида ҳам ривожлантириб бориши керак. Агар инсон бу қобилиятларни ўзида ўстирмаса, у тубанлик ботқоғига ботади. Демак, инсон доимо ривожланиш ва комилликка интилиши лозимдир. Худо томонидан инсонга барча куч -кувват берилган ва инсон бу куч қувват орқали олдига қўйган барча мақсадларига эришиши мумкин. Пико ўз ижодининг марказига инсоннинг эркин танлаш хукукини қўяди. Бу борадаги Мирандоланинг фикрлари инсон табиати ва феълини, ўз-ўзини ташкил этувчи ва ривожлантирувчи система сифатида кўради. У инсоннинг эркин ижодий фаолиятининг маҳсулидир. Инсон қотиб қолган тош эмаски, у ўзгармаса. Инсоннинг асосий қудрати унинг ҳаракатчанлигига. Оллоҳ инсонни ўзига ўхшатиб яратган. Демак инсоннинг ички табиатида комилликка эришиши учун барча кучлар мавжуддир. Инсон бу кучларни юзага чиқазиши керак. Бунга эса фақат фаолият, ҳаракатчанлик орқали эришилади.

Пико барча фалсафий таълимотлар ва диний карашлардаги ижобий фикрларни бирлаштиришга ҳаракат қилди. Уларни ягона ҳақиқатнинг хилма-хил қирралари деб ҳисоблар эди. Пиконинг ижоди эклектек кучга эга бўлмади, аксинча у инсониятнинг хилма-хил тажрибасидан ўрганишга ҳаракат қилди ва у ўз онг хазинасини инсониятнинг бекиёс онг хазинаси ҳисобига бойитишга уринди.

Уйғониш даври фалсафасининг яна бир машҳур вакили Жордано Бруно инсоннинг ақли тафаккури ва интуицияси ҳакида қизиқарли фикрларни айтади.

Брунонинг фикрича, моддий оламдаги барча жисмлардаги жон бир хилдир. Бруно инсон фаолиятининг ердаги ўзгаришларга олиб келиши ҳақидаги фикрларни келтиради. Мехнатнинг ривожланиши натижасида инсон тафаккури ҳам ривожланиб боради.

Инсондаги тафаккур моддий оламдаги ривожланиш жараёнларини акс эттиради. Бруно ўзининг билиш назариясида ҳиссий босқични ақлий босқичдан ажратади. Ҳиссий билиш оламдаги мураккаб қонунларни акс эттира олмайди.

Интеллект ҳиссий билимга таъсир этганидек, ҳиссий билим ҳам интеллектга таъсир этади. Улар бир-биридан фойдаланишади. Ҳиссий билимдан кейинги босқичда ақл жойлашган. У ҳиссий билимдаги маълумотларни йиғиб тасаввурларни яратади ва улардан фойдаланади. Ақлдан ҳам юқорида интеллект жойлашган. Интеллект ақл маълумотларидан фойдаланади ва уларни умумлаштиради. Интеллект барча маълумотларни ўрганмасдан фақат унга кераклиларини ажратади. Бу маълумотларни интеллект умумлаштиради ва улардан фойдаланади. Интеллект барча нарсаларнинг моҳиятига интилиб, уларни очишга ҳаракат қиласи. Инсон дунёқарашининг кеншгайиши сари унинг интеллектуал салоҳияти ҳам ошиб боради.

Бруно таълимотида билимнинг амалий аҳамияти мистик тасаввур билан суғорилган. Брунонинг фикрича магия бу шундай амалий мистик куч ва санъатдирки, ундан донишманд инсон фойдаланиб унинг барча ҳаракатлари табиатнинг сирли яширган кучларини яхши билишдан келиб чиқади. Бундай сирли қоидаларни билиш инсоннинг амалий фаолияти даражасини кенгайтиради ва билимлардан унумли фойдаланиш учун кенг миқёсда имконият очиб беради.

Табиий магия бу аслида табиатдаги воқеалар ва ҳодисаларга тақлид қилишга асосланади ва бу тақлид қилиш йўли билан инсоннинг амалий фаолияти чегаралари кенгаяди. Бруно фикрича ҳақиқат обьективдир, амалий ва назарий фаолиятнинг бирлашиши натижасида унга эришиш мумкин. Ж. Бруно хурфикрлилик талабини ҳам олдинга суради. Бруно фикрича, интеллекти юқори даражада бўлган шахслар кўпчиликнинг фикрига мослашмайди. Уларнинг зеҳнлари ўткир бўлиб, келажакни кўра биладилар. Улар ўз даври куртак отган ва келажакда гуллаб яшнайдиган ғояларни олдинга сурадилар.

XXI асрнинг бошларида фалсафада инсон масаласи яна долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Экологик муаммолар эса инсониятни табиатга бўлган муносабатини қайта кўриб чиқиши талаб этмоқда. Фалсафа фақатгина уумумфган методологияси эмас, у буюк дунёкараси ҳарактерига эга эканлиги кўпгина олимлар томонидан таъкидланмоқда. Фалсафий, антропологик билимларнинг инсоннинг психологик холатларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этмоқдалиги ҳақида буюк мутафаккирлар Карл Юнг, Альфред Адлер, Эрих Фромлар ўз асарларида кўп таъкидлаганлар. Замонавий фан коинот сирларини ўрганар экан бу сирлар ичida энг ажойиби инсон эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Горфункель А.Х. Философия эпохи Возрождения. – М.: «Высшая школа», 1980. – 4 с.
- Рассел Б. История западной философии в 2-х томах. Том 2. – М.: «Миф», 1993. – 17 с.
- Джованни Пико делла Мирандола. Девятьсот тезисов. Тезисы 1-400: Четыреста суждений по учениям халдеев, арабов, евреев, греков, египтян и по мнениям латинан. – СПб.: Изд-во РХГА, 2010. – 220 с.
- Бруно Д. О бесконечности, вселенной и мирах. – М.: СОЦЭКГИЗ, 1936. – 149 с.
- Бруно Д. О героическом энтузиазме. – М.: «Рипол-Классик», 1953. – 31 с.